

ГЕНДЕР: УМУМИНСОНИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК БИРЛИГИ

Маматов Нормурат ф.ф.д. проф.

Бугун “гендер”, “гендер тенглиги” тушунчалари сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, кадриятлар муҳокамасида ҳам энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бирига айланиб қолди. Чунки, улар аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқли инсонлар эканлигини тушунишда ва кадрлашда фундаментал аҳамиятга эгадирлар.

Кўпчилик билади “гендер” тушунчаси америкалик психиатр, психоаналитик, социолог Роберт Столлер томонидан илмий муомилага киритилган. Роберт Столлер биринчилардан бўлиб биологик ва социомаданий жинсларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилди ва ушбу жараённи шахс ижтимоийлашуви, ижтимоий шахс, гендер ўзини англаш, гендер идентификацияси ўртасидаги муносабатларда ифодалашга ҳаракат қилди.

Бугун “гендер” тушунчасининг мазмуни ва ҳажми нисбатига муносабат таҳлили кундан-кунга кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

“Гендер” тушунчасини тушинтиришда илмий адабиётларда уч йўналиш-биологик детерминизм, ижтимоий конструктивизм ва биоижтимоий конструктивизмлар кўзга ташланади.

Биологик детерминизмда аёллар ва эркеклар ўртасидаги чексиз фарқлар сабаблари асосан уларнинг биологик жинслар эканлигидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Гендердаги ижтимоий-руҳий сифатлар ҳам биологик жинслар орқали изоҳланади. Бунда З.Фрейд психоанализим мотивлари ҳам иштирок этади. Биологик детерминизмда “гендер” тушунчаси мазмуни ва ҳажмини белгиловчи омил берилган ва ўзгармас биологик омилдир. Бунда биологик жинс ўзи-ўзи билан чегараланган универсал типдир. Мавжуд биологик реаллик жинсий хилма-хилликлар дунёсига олиб киради. Аммо у аёл ва эркек тўғрисидаги илмий норративга мос келавермайди. Инсон организмнинг жинсларга кўра хилма-хиллигини узликсиз спектр сифатида тушуниш керак. Биология билан боғлиқ барча белгилар барча эркекларни барча аёллардан фарқлаш имконини бермайди. Чунки, уларда алоҳида олинган бир жинснинг моҳиятини ифодаладиган умумий яхлит белгилар комплекси мавжуд эмас.

Ижтимоий конструктивизм тарафдорлари эса гендернинг биологик омилига бефарқ қарайдилар. Уларча гендер роллар жамиятда шаклланади. Аёллар-аёл, эркеклар-эркек бўлиб туғилмайдилар, балки шундай бўлиб жамиятда шаклланадилар, деб ҳисоблашади. Эркек ва аёл ижтимоий категория сифатида турли хилдаги ижтимоий контекстларда яратилади ва ишлатилади, турли хилдаги шаклларга кўра турли мазмунлар билан бойитилади. Аёллар ва эркеклар ўртасидаги кўплаб фарқ сабаблари биологик фарқга бориб тақалмайди. Агар гендер фарқлар руҳий, маданий ва ижтимоий каби омиллар билан боғлиқ бўлса жинсий фарқлар фақат жисмоний, анатомик, физиологик фарқлар билан чекланади. Гендер фарқлар

конструкцияси ижтимоий конструктивизмга асосланади. Ушбу модель авторлари эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқларнинг табиий илдизларига бефарқроқ қарайдилар ва уларни ижтимоий жараёнлар билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Биосоциал детерминизм тарафдорлари фикрларига кўра жумладан бизнинг фикримизча одамлар дастлаб биологик жинслар сифатида бир-бирларидан фарқ қиладилар. Улар туғилишидан ўғил ва қиз бола бўлиб туғиладилар. Ушбу фарқлар асосида уларда ижтимоий сифатлар шаклланади ва эркак-эркак, аёл-аёл ролини бажаришга киришади. Аёллар ва эркакларнинг турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, имкониятлари, вазифалари уларнинг жамиятдаги ўрни албатта уларнинг биологик жинси асосига қурилган социал конструкциядир.

“Гендер” тушунчасининг мазмуни контекстда илмий категория, илмий тадқиқотлар категориал аппарати элементи, мамлакатдаги ижтимоий гуруҳ ва гуруҳлараро муносабат субъектини ҳамда давлат ва ижтимоий гуруҳлар муносабатини, гуруҳлараро сиёсий муносабатни англлатувчи категория сифатида ҳам ишлатилади. Чунки, у ўзида гендер муносабатларидаги тенгсизликни танқид қилиш, мавжуд ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, янги ижтимоий муносабатларни гендер тенглилигига кўра қарор топдиришни талаб этувчи мазмунни ташийди. Бугун “гендер” жамиятдаги тенгсизлик билан боғлиқ аҳолини гуруҳларга бўлишда ёрдам берадиган категория сифатида ҳам қаралмоқда. Бунда биологик жинс ижтимоий конструкциялашда ҳам қўл келмоқда.

Бугунги кунда “гендер” ва “гендер тенглиги” тушунчалари ўзбек миллати орасида қайси бир даражада оғриқли қабул қилинмоқда. Ушбу оғриқли нуқталарда биз динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги, анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги номувофиқларни кўраамиз. Ушбу номувофиқликларнинг мавжудлиги бир талай муаммолар билан боғлиқ. Буларнинг энг муҳими гендер тушунчасининг қайси бир даражада ноаниқлиги билан ҳам боғлиқ. Ушбу ноаниқлик бизнинг назаримизга кўра тушунчани муомилага киритган Р.Столлернинг психолог, парапсихиатор, сексиолог бўлишлиги билан ҳам боғлиқ деб тасаввур қиламан. Иккинчидан, мазкур терминнинг яратилиши тимсолий интеракционизм яъни тил муаммоси билан ҳам боғлиқ.

Умуман олинганда “гендер” атамаси бу тимсолий атамадир. Бу атама ёрдамида эркаклар ва аёллар ўртасидаги биз кутган нисбатни, муносабатни ифодалаймиз. Ҳеч қанақа аёл ва эркак муносабатини кўрмасакда биз ушбу тушунча орқали эркак ва аёл ўртасидаги муносабат тўғрисида мушоҳада юритамиз. Тўғрироғи ушбу муносабат тўғрисида тимсолий ўйлашга кўникамиз. Тимсолий мушоҳадада биз нафақат бевосита кўрган, эшитган балки биз иштирок этмаган ҳолатлар бўйича ҳам фикр юритишимиз мумкин. Бу бизнинг ўзимизни нечоғлик идрок қилишимизга боғлиқ. Биз ўзимизга ташқаридан қарашга ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун ҳам биз ўзимизни бошқалар кўраётганидек кўраамиз. Инсон “Сен” деб айтадиган объектни яъни ўзимизни ифодалаш учун “Мен” сўзидан фойдалана бошлаганимизда

тимсолий тушунчалар кучга киради. “Гендер” ва “гендер тенглик” ҳақида гапирганда биз қандайдир мавҳум ижтимоий шахсни тасавур қила бошлаймиз. Бу ижтимоий шахсда биз бир-бирини тушунадиган ва бир-бирини биладиган, бир-бирини қадрлай оладиган эркак ва аёл ўртасидаги инсоний сифатларнинг мажмуасини тасаввур қиламиз.

Шунинг учун мамлакатимизда “гендер тенглиги” ҳақида гап кетганда ушбу тимсолий атаманинг ўзини ишлатмасдан унинг мазмуни, ижтимоий сиёсий ролини ифодаладиган ибораларни ишлатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Менимча, “гендер” тушунчасининг мазмуни уч элементдан иборат. Ушбу элементларнинг биринчиси- маълумотли, бир касбнинг эгаси, ўзида аёллик сифатларини шакллантира олган, эркаклар, эри билан мулоқатда миллатда қабул қилинган умумий тартиб, қоидаларни фаҳмлайдиган, эркак, эрини эркак, эр сифатида тан оладиган, қадрлайдиган, ҳаётда уни ўзининг узликсиз сирдоши, қадрдон сифатида биладиган аёл. Элементларнинг иккинчиси-ўзида ижтимоий ўғил болалик сифатларини шакллантирган, турмиш, ижтимоий муносабатларда эркаклар бажариши керак бўлган функцияларни бажара оладиган, эркаклик бурчига содиқ, зулимкорлик, камситишни ишлатишдан узоқ, аёлининг, оиласининг посбони ва соябони, болаларининг отаси мавқеига лойиқ эркак. Элементларнинг учинчиси эса, келтирилган икки жинс ўртасидаги барча ижтимоий муносабатларда муносабат чегараларида ўзларини билиш, баҳолашдан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, ушбу шаклланган муносабатда бурч ва масулиятни чуқур ҳис қилиш, эркак ва аёлнинг теппа-тенг одамлар эканлигини чуқур ҳурмат қилиш асосида қадр-қиммат гармониясига амал қилиш ҳисобланади.

Гап мана шу эркак-аёл ўртасидаги инсоний гармонияни такомиллаштириш, фикр юритишимиз ва унга амал қилишимиз ҳақида бормоқда.

Биз келтирган формуланинг учинчи элементи бевосита “гендер” атамасининг маҳаллий мазмунини ва ушбу муносабатнинг мақсад муддаосини ташкил этади.

Ушбу мураккаб муддаога етиш йўлидаги оғриқли нуқталардан бири гендер тенгсизликнинг турли шаклларда намоён бўлаётганлигидир. Бунда кўпчилик ҳолларда эркаклар томонидан аёлларга ўтказилаётган зўравонликлардир.

Ушбу кўрсаткич социологияда девиация атамаси билан номланади. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлардаги девиация-оғиш турли олимлар томонидан умумий ҳолда ўрганилиб биологик омил, биологик характер, психоаналитик шахс, стигматизм номлари билан аталиб тушунтиришга ҳаракат қилиниб келинмоқда.

Бизнинг назаримизга кўра девиациянинг эркак ва аёл муносабатига оид типи муҳит ва муносабатлар билан боғлиқ. Жамият таррақиётида девиант хулқининг табиати ва мазмуни ўзгариб бормоқда. Шунинг учун кўпроқ девиант хулқнинг шаклланиши ва функционаллашиши сабабларини чуқурроқ ва комплекс ҳолда ўрганишни янада мақсадли ва тезроқ амалга

оширишимиз керак бўлади.

Бунинг учун Республика “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти хузурида кучли социологик тадқиқотлар марказини шакллантириш зарур.

Булардан ташқари ўғил ва қиз болаларнинг жинсий тарбиясига ҳам алоҳида аҳамият бермоқ зарур. Бунда биринчи галда ўғил ва қиз болаларни 4-5 ёшидан бошлаб З.Фред тили билан айтганда “Эдип босқичи” ёшидан бошлаб ўйинлар асосида ўғил болаларда ўғил болалик сифатларини қиз болларда эса қиз болаларга хос сифатларни шундай такомиллаштириш керакки болалар қиз болаларнинг қиз бола эканлигини тушуниб уларни қадрлашга, эзозлашга ҳаракат қилсинлар. Қиз болалар ҳам ўғил болаларнинг ўғил бола эканликларини тан олиб уларнинг ҳамдарди, сафдоши бўлишга ҳаракат қилсинлар.

Мана шу 4-5-ёшлик давриданоқ болаларнинг онгига тўғрироғи уларнинг қалбига сингдирилган ижтимоий рефлексия улар катта бўлганларида ҳам, уйланганларида ҳам ёки эрга текганларида ҳам сақланиб қолади. Албатта, мазкур тарбия жараёнида иштирок этадиган таълимнинг барча босқичларидаги турлари ижросига, тарбиянинг барча шакллари мазмунига албатта гендер биз назарда тутган мазмундаги гендер мазмуни болаларнинг қабул қилиш имконияти бароварига кўпайиб бориши керак. Бунда асосий нарса ушбу таълим ва тарбиянинг сифатли амалга оширилишидадир. Бунда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари, бошланғич синф ўқитувчилари, уларнинг жамоаси ва болаларнинг ота-оналари ўртасидаги жинслараро муносабат гармонияси бўйича умумий тимсолий тушунчани қай даражада идрок этиилгани муҳим масала ҳисобланади.